

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2014 йил
5 апрель
ШАНБА
№ 28 (12664)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Тадбиркорлик

ҚИБРАЙ ГЛОБУСЛАРИ ХОРИЖНИ КЎЗЛАМОҚДА

Қибрайлик ёш ҳунарманда Бобур Зокиров оилавий тадбиркорлик асосида "Зиё Глобус" фирмасини ташкил этиб, ўқув глобуслари, йирик чизгич ҳамда геометрик шакллар ишлаб чиқармоқда. Корхона маҳсулотлари ички бозорда етакчи мавқега эришиб, импорт ўрнини босаяпти.

"Зиё Глобус" қатор кўргазма ва кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этмоқда. "Ташаббус – 2014" туман босқичида "Энг яхши тадбиркор", вилоят босқичида эса "Энг яхши оилавий бизнес соҳиб" номинациялари голиби деб топилди.

– Эндиги мақсадимиз ички бозор талабларини тўла қондирган ҳолда маҳсулот сифатини яхшилаб, уларни кўшни республикаларга ўз тилларида тайёрлаб, экспорт қилиш, – дейди Бобур Зокиров.
Азамат АХМЕДОВ олган сурат.



Кўкаламзорлаштириш акцияси

«КЕЛАЖАК УЧУН БИР ТУП ДАРАХТ»



Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ташаббуси билан барча шаҳар ва туманларда "Келажак учун бир туپ дарахт" шиори остида кўкаламзорлаштириш акцияси ўтказилмоқда.

Ушбу хайрли тадбирда вилоят ҳокимлиги ва республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ходимлари, корхона ва ташкилот вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари иштирок этмоқда.
(Давоми 2-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ҲАШГА ТЕҒАЁТГАН КУРМАКЛАР»

Газетанинг шу йил 1 февралдаги 10-сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада айрим шаҳар ва туманлардаги савдо дўконлари ва маийший хизмат объектларининг турли тилларда палапартиш номланиши, бунинг устига имловий хатолар билан ёзилиши хусусида фикр-мулоҳаза юритилган эди.

Тахририят ушбу мақола юзасидан Чирчиқ шаҳар ҳокими ўринбосари М. Умаров имзоси билан

жавоб хати олди. Унда таъкидланишича, мақолада билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда келтирилган далилларни шаҳар ҳокимлигининг ушбу масала юзасидан мутасадди ходимлари атрофлича ўрганиб чиқишди. Шунинг яқини мувофиқ, шаҳар ҳокимлиги ҳудудда фаолият кўрсатаётган айрим фирма раҳбарларига атама ҳамда реклама матнларини асосан давлат тилида ва янги алифбода хатосиз беришни тавсия этди.

Кўргазма

Кеча Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ"да "Озиқ-овқат саноати – WorldFood Uzbekistan" ва "Қишлоқ хўжалиги – AgroWorld Uzbekistan" халқаро кўргазмалари ўз иштини якунлади.

ПТЕ – Uzbekistan халқаро кўргазмалар компанияси ташкил этган мазкур анжуманининг экспозициялари

жаҳоннинг энг янги ишланмалари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг сўнгги ютуқлари, қишлоқ хўжалиги техникаси, паррандачилик, чорвачиликдан тортиб то бозорлар, савдо тармоқлари пештахталарига етказилувчи тайёр маҳсулотларни намойиш этди.

ПУШТАДАН ПЕШТАХТАГАЧА

Мамлакатимиз фермер ва деҳқон хўжалиқларининг минглаб вакиллари озиқ-овқат тармоғи ҳамда қишлоқ хўжалиги ривожини билан бевосита танишиш, миллий ва хорижий компаниялар маҳсулотлари ҳақида уларнинг ўзларидан маълумот олиш,

жаҳонга таниқли ишлаб чиқарувчилар билан тажриба алмашиш имкониятига эга бўлишди. Бу йилги кўргазмада жаҳоннинг 23 та мамлакатидан 151 та компания қатнашди. Экспозицияларнинг 70 фоизини хорижий компаниялар, 30

фоизини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар эгаллади. Озиқ-овқат кўргазмасининг паррандачилик бўлими Европа компанияларининг энг катта иштироки билан барча рекордларни янгилади.

(Давоми 2-бетда).

Бу ҳақда вилоят ҳокимлиги соатларида гапирилган эди

ТОЗАЛИК ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИДАН БОШЛАНМАЙДИМИ?

Сўнгги йилларда шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, чирой очиб бормоқда. Қад ростлаётган кўркам бино ва иншоотлар кўзини қувнатаяди. Айниқса, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ҳаракати бунёдкорликнинг узвий давоми бўлаётган. Лекин ҳамма жойда ҳам ободончилик ишларини кўнгилдагидек деб бўлмайди.

Яқинда Чиноз туманида кўнгилни гаш қилувчи хунук манзараларнинг устидан чикдик. Дастлаб туман ободонлаштириш бошқармасида бўлди. Буни қарангки, ташкилотнинг исми жисмига мос эмас. Бошқарманинг ўзини бир тартибга келтириш зарурга ўхшайди. Аҳоли, ташкилот ва корхоналарнинг оқавалари бошқарма атрофидаги ариқдан ўтар экан. Ичимликлардан бўшаган баклашкалар уюлиб ётибди. Буни кўриб, туманда баклашка қабул қилинадиган пунктлар очилгани ўзи деб ўйлаб қолдик.

Кизик, бошқармадаги туман ободончилиги билан банд бўлиб, ён-атрофларини тартибга келтиришга вақтлари бўлма-яптимикин?! – Туманимиз ҳудуди



кичкина эмас, – деди ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Азиз Исоқов. – Шу сабаб барча худудни қамраб олиш осонмас. Бунинг учун техника ва транспорт таъминоти керак. Ҳозир битта ахлат ташиш машинаси, иккита трактор, иккита

тиркамамиз бор, холос. Бу йил яна учта чиқинди ташиш машинаси харид қилишни режалаштирганми. Қолаверса, кўча-кўчаларимиз обод бўлиши фақат бизга тегишли иш эмас. Фуқаролар ҳам орасида ва саришталикка эътиборли бўлиш-

Эътироф

Малайзия пойтахтида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига бағишланган тақдирот бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Куала-Лумпурдаги дипломатия миссияси ва Малайзия Савдо белгилари ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур маро-

симда "Навой" эркин индустриал иқтисодий ҳудуди ҳамда "Жиззах" ва "Ангрен" махсус индустриал зоналарида биргаликда ҳаётга татбиқ этиш учун реал қўшма лойиҳалар маҳаллий ишбилармон доиралар вакиллари эътиборига ҳавола қилинди.

МАЛАЙЗИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИМОТИ

Тақдим этилган маълумотлар малайзиялик ишбилармонларда қизиқтириб қолди. Маросим интихосида тақдимотнинг айрим иштирокчилари ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Датук Эрик Чонг, Малайзия Савдо белгилари ассоциацияси президенти:

– Ўзбекистон ўз тараққиёт модели асосида шитоб билан ривожланиб бораётган мамлакатлардан бири эканлиги бугунги кунда бутун дунёда кенг эътироф этилмоқда. Мавжуд бўлган ушбу сармоявий муҳит ҳамда мамлакатнинг маҳаллий кадрларга эга эканлиги барқарор ривожланишга, шунингдек, хорижлик шериклар билан фаол ҳамкорликда иш олиб боришга кўмаклашмоқда.

Ҳозирги пайтда Малайзия ишбилармон доираларида Ўзбекистонга нисбатан катта қи-

зиқши мавжуд эканлиги кузатилаётган. Бўлиб ўтган тақдирот чоғида республиканинг иқтисодий тараққиёти ва бизнес учун яратилган қулай имкониятлар ҳақида кенг қамровли маълумотларни олишга муваффақ бўлдик. Бундай тадбирларнинг ўтказилиши мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янада ривожланишига хизмат қилиши таян.

Роланд Тан, "Andaman" компанияси катта менежери:

– Бугунги кунда Ўзбекистонда хориж сармояларини жалб қилиш учун ҳамма имкониятлар яратилганидан хабардорман. Мавжуд иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳият, барқарорлик, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида саноатни модернизациялашга ҳамда юкори технологияга асосланган ишлаб чиқариш қўлланилишига йўналтирилган тараққиёт йўли

танлангани хорижлик сармоядорларнинг мамлакатингизга маблағ киритишлари учун муҳим омил ҳисобланади.

С. К. Лью, KWF компанияси директори:

– Ўзбекистонда мустақил тараққиёт йиллари давомида улкан ишлар амалга оширилди. Уларни саноат жабҳасида эришилган эътиборга молик муваффақиятларда, янги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилганда, илмий базанинг ривожланиши ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясида кўриш мумкин.

Бугун жаҳон бозорларида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тез-тез кўзга ташланмоқда. Улар сифат жиҳатидан афзал бўлса афзалдирки, бошқаларидан асло қолишмайди. Умид қиламизки, Малайзияда ҳам ўзбек бизнеси кенг миқёсда ривож топади.

"Жаҳон" АА. Куала-Лумпур.

Аждодлар ибрати

КЎНГИЛ ТЎҒРИЛИГИ МУРОДГА ЭЛТАДИ

Ҳар бир инсон ўзлигини англашга, аждодлар ҳақида кўпроқ билишга, улар ҳаётини ўрганишга интилади. Бу борада тарихий асарлар беқийс аҳамиятга эга. Хусусан, Заҳридин Мухаммад Бобур асарларидаги ўтмишимиздан ҳикоя қилувчи воқеа ва ҳодисалар биз учун ҳаммиша қимматлидир.

Ҳар бир ғазал, ҳар бир рубоий тағамирида шoirнинг иштироблари, ташвишлари, юрт соғинчи этганини англаймиз.

Тарихимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш

каби имкониятлар истиқлол туфайли юз очди. Аждодларимиз нафақат давлат бошқарувида, балки адабиёт, санъат, маданият ва бунёдкорлик каби қатор йўналишларда ҳам буюк ислохотлар-

ни амалга оширган. Шу боис уларнинг дунё маданияти тарихида тутган ўрни ниҳоятда беқийс.

Амир Темур, Бобур, Алишер Навоий каби буюк аждодларимиз ҳаётига оид асарларни кўп ўқиш керак. Фарзандларимизни ҳам шунга даъват этиш лозим. Умуман, ўғил-қизларимизни тарбиялашда бу улуг зотларнинг ўғитларидан фойдаланиш ниҳоятда фойдалидир.

(Давоми 2-бетда).



са, ишимиз анча осон кечирдик. Охунбобоев маҳалласида симёғоч қийшайиб қолган. Номигагина тўғрилаб қўйилганини пайқаш қийин эмас. Агар эртага қаттиқ шамол турса ёки бирор сабаб билан ёғоч аганаб кетса, маҳалла аҳли чироқсиз қолиши аниқ. Шунга айтиш учун туман электр тармоқлари идорасига бир неча бор кўнғироқ қилишга уриндик. Лекин гўшакни ҳеч ким кўтармади.

Туманда 10 та қишлоқ ва 13 та маҳалла бор. Ободонлаштириш бошқармаси 17 та корхона, 36 та мактаб, 23 боғча билан шартнома асосида ишлаяпти. Бир кунда 15-20 тонна чиқинди олиб чиқиб кетилади.

Йўл-йўлакай бошқа худудларни ҳам кўздан

кечирдик. Охунбобоев маҳалласида симёғоч қийшайиб қолган. Номигагина тўғрилаб қўйилганини пайқаш қийин эмас. Агар эртага қаттиқ шамол турса ёки бирор сабаб билан ёғоч аганаб кетса, маҳалла аҳли чироқсиз қолиши аниқ. Шунга айтиш учун туман электр тармоқлари идорасига бир неча бор кўнғироқ қилишга уриндик. Лекин гўшакни ҳеч ким кўтармади.

Туман қабристонларининг ҳолати билан ҳам

қизиқиб кўрдик. "Хўжамийёр" қабристониди ҳолат талаб даражасида эмас. Тобутхонаю бошқа ёрдамчи хоналарда кераксиз темир-терсақлар кўзга ташланади. Жиҳозлар тартибсиз сақланапти. "Ортиқхўжа" қабристони атрофи ўралмаган. Лекин умумий ҳолати ёмон эмас. "Саиджафар Ғози ота" қабристони эса, намунали ҳолатда. Бу ердагилар қабристонлар обод жой бўлишини тушуниб етишган кўринади. Маълумотларга қараганда, туман бўйича 43 та мазор рўйхатдан ўтган. Шундан 10 таси қисман ўралмаган.

Хуллас, тумандагилар ободончилик ишларига эътиборни бироз кучайтирсалар, бундай ноҳус манзараларнинг олди олинган бўларди. Бунинг учун озгина масъулият, кунт ва ҳафсала керак холос.


Ҳуришда ТУРСУНБЕКОВА, Даврон АХМЕДОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбирлари.

ОЛТИН ВАСВАСАСИ

ёки тирик одамга ўқилган жаноза

Вилоятимизнинг Бўка туманида таваллууд тоған ёзувчи Рустам Худойқул узоқ йиллардан бунён журналистика соҳасида фаолият юритади. Турли ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, адабий-танқидий мақолалари билан эътиборга тушган, ўз муҳлисла-

рига эга ижодкор. Табиатан синчков, ҳар бир воқеаликка зийраклик билан муносабат билдирувчи ҳозиржавоб журналист фаолияти давомида турфа одамлар, турли касб эгалари билан суҳбатлашар экан, инсон табиатини эринмай ўрганади.



Китоб жавонингизга

"Фаройиб қиёфалар" тўплами ана шу заҳматли меҳнат маҳсули. Турли феъл-атворли одамлар бу тўпلامни ўқиганда ўзининг қайсидир жиҳатини илган бўлса, эҳтимол. Инсон қиёфаси ва тақдирига қизиқиш кейинчалик детектив ҳикоялар ёзилишига сабаб бўлди. "Тафаккур бўстони" наشريётида chop этилган "Сирли тобут" саргузашт-детектив қиссаси шўролар давридаги афгон уруши, унда ёш умри ҳазон бўлган ватандошларимиздан бирининг қурган-кечирганлари ҳақида.

Киссани ўқир экансиз, аниқ воқеалар асосидаги ҳикоя сизни беихтиёр ўзига боғлаб қўйгандек бўлади. Дилшод каби оққунгил, содда, аммо ақл-фаросатли, диёнатли йигит тақдирига қизиқиш қолмасиз. Қалбингизда унга нисбатан аллақандай меҳр, дўстга хиёнат қилган синфдоши Саидга нисбатан эса нафрат уйғонади. Дилшоднинг саргузашт-ларидан воқиф бўлар экансиз, дастлаб "яхшига кун йўқ" деган ибора хаёлингиздан ўтади. Чунки, ақл-идрокли, кўрини-

ши кўркам, бақувват йигит Дилшодни армияда ҳам ноҳож ишларга мажбур этишади. Оқибатда қамок, кейинчалик Афғонистон... Киссадаги дахшатли воқеалар ўқувчи хаёлини бутунлай банд этиб қўяди. Натихада "Сирли тобут"ни қўлдан қўймай ўқиб чиқасиз. Бу ҳақда китоб сўзбошида шундай дейилади: "Афғондан келган темир тобутда аслида нима бор эди? Тиллага ишқи

тушган одамлар ёмбиларни қаерда сақлашган? Билмоқчимисиз? Ундай бўлса, ушбу китобдаги саргузаштлар сизга завқ (ҳаяжон) бағишлашига ишончимиз комил". Тўғрироғи, нафақат завқ, балки баъзи ўринларда чуқур ҳаяжон, ҳавотир, хайрату нафрат каби қоршиқчи туйғулари гирдобини қиссанинг охиригача сизни тарқ этмайди. Шу ўринда бир мулоҳа-

за: ҳар қандай бадий асар унинг ҳаёт ҳақиқатига нечоғлиқ яқинлиги билан кадрланади. Лекин айрим бепарда тасвир, тафсилотлар билан эмас. Масалан, мол-дўнуга мукасидан кетган Анна, унинг қизи Жаннанинг кечмишлари тафсилоти бир оз куюшқондан чиққандек. Айниқса, она боланинг муносабати, беҳаё хулқ-атвори, бир-бирига айтган сўзлари...

Тўғри, ижод эркинлиги бундай мулоҳазаларга изн бермас. Лекин, айни ўсимир ёшдаги навихол йигит-қизларга таъсири ҳақида ўйла-маслик мумкин эмас. Аммо, бир пайтлар сохта ватанпарварлик оқи-батда азиз жонлари Афғонистон фожиясига балоғардон бўлган ёш йигитларимиз ва бу урушда ўз баднафслари йўлида қабих ишлардан тоймаган номардлар қилмиши ҳамда унинг янчили оқибати бошқаларга сабоқ бўлиши аниқ. **Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**



ҚОТИЛ ПОЛИЦИЯЧИЛАР

Бразилия суди 1992 йилда Карандиру турмасида галаён кўтарган маҳбустларнинг қўлчилигини отиб ўлдиришгани сабабли 15 полициячини узоқ муддатли қамок жазосига ҳукм қилди.

Би-Би-Си тарқатган хабарда айтилишича, ҳар бир полициячига 48 йилдан қамок жазоси тайинланган. Судьянинг сўзларига қараганда, тартиб посбонлари

маҳбустлар галаёни бос-тириш чоғида ўта қаттиққўллик кўрсатиб, 111 ки-шини отиб ўлдиришган. Утган йилнинг августига айнан шу иш бўйича 25

полициячига умрбод қамок жазоси берилган. Ундан бир неча ой илгари эса 23 собиқ полиция ходимининг ҳар бири 156 йилга қамал-ган эди. Прокурорнинг маълумотларига қўра, маҳбустларнинг қўлчилиги ўз ка-мераларида ва яқин масо-фадан отиб ўлдирилган.



Bolalik bog'i

KABUTARLAR



To'lashga qurbimiz etadi. - Sizdan xunini so'rayotganim yo'q, Nodirjon. Uvolini ayting, uvolini... - Qo'shnimiz injiqroq, hovlisiga kirmaylik degandim-a, - dedi Nodir ko'chaga chiqishgach. - Yaxshisi qo'shni qishloqdagi eski molxonaga boraylik. Tomida kabutarlar bijib yotibdi. - E, ming'irlayverma, o'ljamiz yomon emas. Bir otishda o'nta kabutar kammi? Semizligini qara, bo'rdogiga boqilgan tovuqqa o'xshaydi-ya... Nargizaning ishtahasi yo'q, kechki ovqatni yemadi. Darslarini tayyorladi-da, uxlab qoldi. Ishdan kech qaytgan dadasi bo'lgan voqeani eshitib, achchiqlandi. - Bu yigitlarning dastidan qishlog'imgizda kabutar qolmadi. Nima qilishga ham hayronsan. Bir mahallada tursak. Biror joyga arz qilay desang, to'daboshi jon qo'shnimiz. - Yaxshiyamki, Nargiza sal kechroq keldi. Qonga belanib yotgan kabutarlarni ko'rganida ahvoli ne kechardi. Ularga ham boqqan balo bordir. Hafta tugamay, qishloqda gap tarqaldi: kabutarxo'r yigitlar qo'shni mahalladagi eski molxona tomidan yiqilishibdi. Nodirning umurtqasi jarohatlanibdi, operatsiya qilishganmish. Ikki yigitning oyoqlari sinibdi. Ular ham kasalxonadami. Ertasiga qo'shnilar, jumladan Nargizaning dadasi ham kasalxonaga borishdi. Nodir yuztuban qimirlamay yotardi. Qo'shnilar ko'rib, ko'ngli allanachuk bo'lib ketdi. Og'riqdan tishini tishiga qo'ygan-cha, ko'nglida bir fikr charx urardi: "Kabutarlar uvoli... Nargiza bizni kechirarmikin?" Qo'shnilar bemorlarga shifo tilashib, qo'zg'alishdi. - Nargizani men uchun bir o'pib qo'ying, - dedi Nodir. Qo'shnilar bir-biriga qarashdi. Bahor keldi. Maktabdan qaytgan Nargiza dovchalab qolgan o'rik tagida qushlarga - yovvoyi ko'k kabutarlarga don sochardi. Uylari oldida engil mashina to'xtab, dadasi va ukasi etovida bel sal egik Nodir hovliga kirdi. - Nodir aka, sizni juda sog'indim. Sog'ayib keldingizmi? - Rahmat, - u meh bilan Nargizaning peshonasidan o'pdi. Nodirning ukasi qo'lidagi xaltachani akasiga tutdi. Nodir undan don olib, qushlarga sochdi. - Siz yaxshisiz, Nodir aka, sizni yaxshi ko'raman. Qushlarga don sochayapsiz-ku! Ular ikkovlashib kabutarlarga don sochishdi. Nodirning qalbidagi esa bir iljin bor edi: - Kabutarlar meni kechirarmikin? **Jambul QURBONBEKOV.**

Мулоҳаза

Кишилик жамияти пайдо бўлибдики, оила институти ривожланиб бормоқда. Айниқса, Шарқ мамлакатларида бу кўрғон мустақамлигига алоҳида эътибор қаратилади. Биз ўзбеклар эса азала-

дан оилани муқаддас билиб, ҳар бир жараёнга жиддий муносабатда бўламиз. Айтايлик, фарзана тарбияси, моддий ва маънавий таъминоти ота-онанинг доимий диққат марказида бўлади.

ОИЛА МАСЪУЛИЯТИ

Ушбу, бугун оила кураётган ёшлар бу масъулиятни хис этаяптиларми? Турмуш куриш учун йигит ва қиз нафақат жисмонан, балки маънавий-руҳий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам оила ҳаётига тайёр бўлиши керак.

Авалло, бу ҳақда ота-оналар жиддий ўйлаб кўришлари зарур. Йигит ва қизларни оилавий ҳаётга олдидан тайёрлаб бориш шарт.

Айниқса йигитлар оилани бошқариш қобилиятини мукамал эгаллашлари, зиммаларига қандай вазифалар туши-шини теран англаб етиш-ларни керак. Афсуски, хозирги кунда: "Онам бил-ладилар, уларга ёқса бўлди" дея бўлажак тур-муш ўртоғининг, ҳатто гап-сўзи қандай эканига қизиқмаётган йигитлар ҳам йўқ эмас. Натихада жуфти ҳалолни ҳимоя қилиб, йўлга солиб, яхши муносабатларни сақлаб қол-лаш, ҳомилдор аёли билан осонликча ажрашиб кетаётганлар ҳам учрамоқда. Айрим қайоналар ту-гилажак невараларининг келажагини ўйлаш ўрни-



га, ёшларни ажраштириб, бошқа келин ахтариш та-радудига тушиб қолиш-моқда. Аксинча, ёш оила-ларда келишмовчиликлар юзага келганда, масъу-лиятни зиммага олиб, оила-ни сақлаб қолиш катта-ларнинг вазифаси эмас-ми? Қолаверса, бир қиз-га тушиб, унга мослашиб ке-тиши учун 3-4, ҳатто 10 йил керак бўлади. Шун-дай вазиятда биз, катта-лар ёшларга тўғри йўл кўрсатиб, уларни муро-са йўлга бошлашимиз ке-рак эмасми? Еш оилаларда аж-ралишар содир бўлаётган-нининг яна бир жиддий сабаби уларга барча мод-дий шароитлар бошида-ноқ тўла-тўқис яратиб бе-рилаётганидир. Бели бу-

килмай, пешона тер тўқмай топилган буюмлар, етти маҳаллага овоза қилиб ўтказилган тўй-то-моша ёшларни моддий бойлик яратиш масаласи-га мутлақо бефарқ қилиб қўяпти. Бунга йўл қўйма-слик учун ёшларни ўз хо-лига қўйиш, ҳар бир нарсга ўз меҳнатлари ва интилли-шлари билан етишишга ўргатиш лозим. Шун-да улар оила ва унинг масъ-улияти ҳақида жиддийроқ мушоҳада қилиб, оиланинг парокандалиги жамия-тининг дарз кетишига олиб келишини чуқурроқ ўйлаб кўрсалар ажаб эмас.

Фарида КОМИЛОВА, республика саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали бўлим мудири.

Жиноятга жазо муқаррар

ЎПҚОННИНГ ДОМИДАН ҚУТУЛИБ БЎЛМАЙДИ

Бугун ер юзидаги барча миллат ва элатларни бир-дек ташвишга солаётган ва инсоният келажагига тўғридан-тўғри таҳдида қилаётган гиеҳванлик бало-си жаҳоншумул муаммо бўлиб турибди. Шу илат оқибатида йилгига 8 миллиондан кўпроқ одам ҳаёт-дан кўз юмаётир.

Афсуски, барча давлатларда гиеҳванда моддалар савдосига қарши курашилаётганига қарамай, бу заҳ-ри қотиқ ўпқондек инсонларни домига тортмоқда. Надаматлар бўлсинки, бизнинг юртимиз ҳам бу иллатдан ҳоли эмас. Бунга сабаб қўшни Афғонис-

Бекободлик Гулмира Қурбонова ўз қилмиши-нинг оқибати ҳақида зи-гирча ҳам ўйлаб ўтирмай, гиеҳванда моддалар савдо-сига муккасидан кетган-лардан бири. Осон кел-адиган даромад ортидан кувиб, юртимизда аср вабоси уруғини сочаётир. Албатта, бундай қил-мишларнинг оқибати я-шиллик билан тугамасли-ги ҳаммага аён. Қилмиши-дан ҳеч ким хабар топ-майди, деб хомтама бўл-ган Г. Қурбонова ҳам охир-оқибат суднинг қора курсисига ўтирди.

тон Республикасида гиеҳванда моддалар оиналмаган ўсиммақлар плантациялари ястаниб ётганидир. Ик-кинчилан, қўшни Тожикистон Республикаси орқали Қозғистон, ундан Россия ва Европага етказиб бе-рилаётган гиеҳванда моддаларнинг аксарияти юр-тимиздан ўтаётгани бу ерда ҳам гиеҳванда кўпай-ишига сабаб бўлмоқда. Давлат ҳуқуқ-тартибот ило-ралари бундай контрабандага қарши тинимсиз ку-рашмоқда. Шундай бўлсада, айланма йўлар орқали ноқонуний кириб келаётган гиеҳванда моддалар-нинг бир қисми юртимизда тарқалапти.

лан, яна кимдир олиб ке-лиш ва тарқатиш билан. Энг асосий ишни эса Гу-лмира Қурбонова бажар-ган. У тожикистонлик Жа-миль исмили кимса билан тил бириктириб, гиеҳван-да моддаларни ундан олиб, юртимизга айланма йў-лар билан олиб ўтган ва шериклари ердамида тар-қатган. Масалан, Г. Қурбонова гуруҳга янги қўшилган пайтларида гиеҳванда моддаларни кам-камдан олиб ўтиб юрди. Кейин-чалик эса нафис ўпқонга айланган гуруҳ ундан кўп-

роқ олиб келишни талаб қила бошлади. Шундай ўринишларнинг бирида Г. Қурбонова ярим кило-грамм "героин" моддаси-ни Тожикистондан Ўзбеки-стонга Бекобод туманида-ги чегара ҳудудидан ноқо-нуний йўлар билан олиб ўтиб, "Тошкент-Бекобод" катта трасса йўлидаги тут-дархати ковагида берки-тди. Г. Гапирова ва Т. Же-боев уни олиб, Бўка тум-анидаги 38-колониёга ет-казишти. Бу ерда жазо му-ддатини ўтаётган Т. Тур-ғунов билан учрашиб, со-тиб бериш учун 50 грамм

"героин" колдиришди. Бундай ҳолат такрор ва такрор давом этди. Кўза кундамас, кун кел-ганда синди деганларни-дек, бу кимсаларнинг қил-мишларини ҳуқуқ-тарти-бот идоралари ходимлари охир-оқибат фож этишди. Миллий ҳавфсизлик хиз-мати ҳамда ички ишлар идоралари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир натижасида жиноятчилар ашвий далиллар билан қўлга олинди. Гиеҳванда моддаларни олиб ўтиш билан шуғул-ланган Гулмира Қурбоно-ванинг ишмини жиноят ишлари бўйича Бўка туман суди атрофлича ўрганди, айбини тўла исботлади. Жиноят ишининг гуруҳ аъзоларига тегишли қис-ми алоҳида кўриладиган бўлди.

Суд ҳукми билан Г. Кур-боновага 10 йил 3 ой қамок жазоси белгиланди. Масаланинг нозик жи-

ТОЛИБОНЛАРНИНГ САЙЛОВЛДИ ХУРУЖИ

Афғонистон разведкаси - Хавфсизлик бўйича миллий идора 5 апрель кунига белгиланган президент сайловлари олдидан бир қатор террорчилик хуружларининг олдини олишга муваффақ бўлди.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.


ЗИЛЗИЛА КЕТИДАН ЦУНАМИ

АҚШ миллий геология хизмати тарқатган хабарда ёзилишича, Чили соҳилларида 7,8 магнитуда куч билан яна бир зилзила юз берди.

Мутахассисларнинг аниқлашича, зилзила ўчоғи 20 километр ер қаърида жойлашган. Эпицентр эса Икике шаҳридан 23 кило-метр масофада аниқланган. Зилзила кучли бўлгани боис кетидан цунами кў-згалishi эҳтимол борлиги сабабли фавқулдда вази-


ятлар хизмати соҳилбўйи туманларидаги аҳолини кўчириш ҳақида эълон тар-қатди. Утган йилнинг 1 апрелида шу ерда 8 магнитуда куч билан ер силкинганди. Тинч уммонда цунамини кузатиш АҚШ миллий мар-кази маълумотларида кел-

тирилишича, ўшанда ер силкиниши оқибатида сал-кам 2 метр баландликда цунами ҳўли бўлиб, со-ҳилбўйи аҳолисига катта хавф солганди.



КОКАИН ОКИМИ ТИНМАЯПТИ

Reuters агентлигининг ҳукумат хабарларига таяниб ёзишча, Пуэрто-Рико соҳилларида 1,8 тонна кокаин моддаси қўлга туширилиб, мусо-дара этилди.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

матбуот анжуманида таъ-кидладики, кейинги бир ойда 3 тоннадан зиёд кокаин қўлга туширилди. Унинг сўзларига қўра, контрабандистлар "Кариб йўли"дан АҚШга гиеҳ-ванлик моддаларни етказ-иб беришда фойдалан-моқдалар.

биноси ёнида террорчи ўзини портлатиб ўйорган-ни оқибатида 6 полиция-чи ҳам ҳалок бўлди.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

<p>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ</p> <p>ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</p> <p>Муассис:</p> <p>Тошкент вилояти ҳокимлиги</p>	<p>Бош муҳаррир</p> <p>Убайдулла АБДУШОҲИДОВ</p>	<p>Манзил:</p> <p>100000, Тошкент шаҳри, Мабуточилар кўчаси, 32.</p> <p>e-mail: th.tp@mail.ru</p>	<p>Қабулхона:</p> <p>Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар:</p> <p>Шартнома ва эълонлар:</p> <p>Ҳисоб-китоб бўлими:</p>	<p>Телефонлар:</p> <p>233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).</p> <p>233-12-83, 233-48-08.</p> <p>233-56-03, 233-65-59.</p> <p>233-54-10.</p>	<p>Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.</p> <p>Газета «Тошкент ҳақиқати» таъриятчи компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.</p>	<p>Навбатчи муҳаррир</p> <p>Абдусамат ЙҮЛДОШЕВ</p> <p>Навбатчи</p> <p>Хуршида ТУРСУНБОЕВА</p> <p>Саҳифаловчи</p> <p>Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ</p>
---	---	---	---	---	---	--

Белгили материаллар - тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 18.50.